Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
21 АВГУСТ 1969 й.
ПАЙШАНБА
№ 195 (959)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ 1969 йил 19 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-294» учирилди. Йўлдошга ўрнатилган илмий аппаратлар ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиради.

◆ Москвада сигирларни машинада соғувчиларнинг биринчи Бутуниттифоқ конкурси ўтказилади. Республика сут соғувчилари мусобақасининг ғолиблари ана шу конкурсда қатнашмоқ учун жўнаб кетдилар.

◆ Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Педагогическая кўчасидаги хиёбон, София проспекти, Ленин номли ва Самарқанд кўчалари доирасида В. И. Ленин номли комплекс проспект қуриш ҳақида қарор қабул қилди.

◆ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети спорт товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилди.

● Ишчи—фахрли ном

МАСТЕРЛАР КУНИ

Кеча тўқимачилик комбинатининг мажлислар залида навбатдаги «Мастерлар куни» кечаси бўлиб ўтди. Бу галги кеча кун тартибига «Раҳбарнинг коллективни эстетик руҳда тарбиялашдаги роли» деган мавзу қўйилди. Бу ҳақда комбинат қошидаги ФЗУ мактаби ўқитувчиси М. К. Горбачёва сўзлади.

У комбинат фабрикаларида ўтказилган рейд натижалари ҳақида гапирди. Бунда мастер ва цех бошлиқларининг ўз кабинетларини қандай тутаётганликлари ва ишчилар билан муомалалари конкрет мисоллар асосида гапириб берилди.

Шунингдек, ишчи кийими ҳақида ҳам фикр олишув бўлди. Мастерлардан Е. В. Любимцева, Ф. Турсунов ва бошқалар ишчи эстетикаси ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш охирида саноат эстетикасига ҳамда «Касби бўйича моҳир» мусобақа-конкурсига бағишланган фильмлар намойиш қилинди.



Эгамберди Юсуповни Тошкент фармацевтика заводининг ишчилари меҳнатсеварлиги учун ҳурмат қилишади. Юсупов ойлик топшириқларини мунтазам 120—130 процент қилиб бажаради.

СУРАТДА: Э. Юсупов.

Ж. Раззоқов фотоси.

● Шаҳримиз кўркам бўлади

ШАҲАРЧА ЖАМОЛИ


Келгуси йили энг кўҳна билим даргоҳи — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ярим асрлик юбилейи нишонланади. Бу улуғ сана Студентлар шаҳарчасини янада кўркамлаштириш, янги бинолар бунёд этиш билан кутиб олинади.

Шу кунларда «Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трести бинокорлари университетнинг 13 қаватли маъмурий биносини қ ў р м о қ д а. Бу муҳташам бинода катта мажлислар зали, маданият уйи бўлади. Шунингдек, шаҳарчада кенг экранли минг томошабинни ўз бағрига сиғдирадиган кинотеатр қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари шаҳарчада савдо маркази, поликлиника ва ҳаммом қурилиши ҳам олиб борилади.

Университет ўқитувчи-профессорлари учун барча қулайликларга эга бўлган 50 хонали турар жой биноси қуриб берилади.

Шунингдек, шаҳарчада ҳашаматли ресторан биноси ҳам қад кўтаради. Етти минг номерли автомат станция эса студентлар ва ўқитувчилар хизматида бўлади.



Тошкентдаги илмий муассасалар муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган кўпгина проблемалар устида ишламоқда. Жумладан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси энергетика ва автоматика институтининг ходимлари Ўрта Осиё шароитида электр узатиш линиялари ва юқори кучланишли қурилмаларга табиат факторларининг таъсирини ўрганмоқдалар.

СУРАТДА: юқори кучланиш техникаси лабораториясининг очиқ кўриниши.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

● Сифат ва унумдорлик

КИЙИМЛАР КОНСТРУКЦИЯСИ

Тикувчилик саноати Марказий илмий-текшириш институти Тошкент филиалининг киймлар конструкторлик бюросида меҳнат унумдорлигини ошириш ва буюмлар сифатини яхшилаш мақсадида эркаклар костюми ва пальтосининг, шунингдек болалар пальтосининг технологик конструкцияси ишлаб чиқилди.

Тожикистон пойтахти — Душанбе шаҳридаги «Гулистон» тикувчилик фабрикасида янги конструкция бўйича эркаклар ва болалар учун пальтолар тайёрланди. Эркаклар костюмининг конструкцияси эса, ҳозир Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг 3, 4-цехида саноат синовидан ўтмоқда. Шундай костюмлардан дастлабки 20 таси тайёрланди.

Янги конструкциялар вақтни тежайди ва сифатни оширади. Дастлабки натижалар шуни кўрсатди.

● Янгиликлар адреси:

АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛ ФАКУЛЬТЕТИ

Тошкент политехника институтининг бу кенжа факультети шу йил биринчи сентябрдан дастлабки талабаларини ўз бағрига олади.

Институтда янги очилган автомобиль-йўл факультетини ташкил этиш тараддуди шу йилнинг январь ойидан бошланган эди. Олий ўқув юртининг турли факультетларида автомобиль-йўл инженерлари тайёрлаш бўйича ўқитилаётган ихтисосликларни янги очиладиган факультетга бирлаштириш лозим деб топилди.

Янги факультет автомобиль йўллари, автомобиль транспортини ташкил этиш ва унинг экономикаси, автомобиль транспорти эксплуатацияси каби ихтисосликлар бўйича инженер кадрлар етиштириб чиқаради.

Келгусида бу кадрлар республикамиз автотранспорти ва йўл хўжалиги ташкилотларида ишлаш учун йўлланма оладилар.

● Корхоналар бир меъёрда ишласин

Қолоқ участкалар бўлмасин!

Бугунги кунниng шиори шундай. Хўш, август ойи биринчи ўн кунлиги якунларига кўра шаҳардаги саноат корхоналари ишига қандай баҳо бериш мумкин? Шуни айтиш керакки, кўпгина завод ва фабрикалар маҳсулотни реализация қилиш топшириғини бажармадилар.

Бунга асосан эски «касаллик»— ой бошида хотиржамлик, кейин эса ҳайбаракаллачилик сабаб бўлаётганга ўхшайди.

Шунга қарамай, шаҳримиздаги бир неча корхоналарда иш меъёрида ташкил этилиб, буюртмачиларга шартномада белгиланган маҳсулотлар жўнатилди.

«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг коллективи ўтган етти ой ичида 17 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу буюмлардан 804 минг сўмлиги пландан ташқари тайёрланган.

Шуниси қувончлики, тикувчилар август ойининг биринчи ўн кунлигида бу рақамлар ёнига яна 220 минг сўмни қўшиб қўйдилар. Ўн кунлик топшириқ 134 процент қилиб адо этилди.

Тамаки фабрикаси ишчи-хизматчилари ҳам ўз ҳисобига пландан ташқари тайёрланган 63 минг сўмлик маҳсулотни ёзиб қўйдилар.

Август ойининг биринчи ўн кунлиги топшириғини қуйидаги корхоналар:

— «Ташавтомаш», электромонтаж буюмлари, «Гидрометеорология» асбоблари, пластмасса буюмлари, пахтани қайта ишлаш заводлари, Кўйлиқ асфальт-бетон, 2-ёғочни қайта ишлаш заводлари;

— Пластмасса буюмлари, кўнгалантерия, 1-пойафзал, музика асбоблари фабрикаси, «Шарқ» мебель фирмаси, 1, 2-ун комбинати коллективлари ва бошқа корхоналар ҳамда ишлаб чиқариш техника ташкилотлари муваффақиятли адо этдилар.

Лекин, шу билан бир қаторда, шаҳардаги бирорта район маҳсулотни реализация қилиш топшириғини бажаролмади.

«Узбексельмаш», «Компрессор», газ аппаратлари, экскаватор, лак-бўёқ ва бошқа заводларда маҳсулотни тайёрлаш ва уни жўнатишда бир текис ҳаракат қилмаслик ҳоллари содир бўлмоқда.

«Узбексельмаш» заводи август ойида 1 миллион 479 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаши ва реализация қилиши лозим. Шу ойнинг биринчи ўн кунлигида бор-йўғи 85 минг сўмлик маҳсулот бериш билан юксак мажбуриятни қандай бажариш мумкин, ахир?

Экскаватор заводидаги иш меъёри ҳам кўнгилдагидек эмас. Агар корхона шу ойнинг биринчи декадасидагидек ишлашни давом эттираверса, август ойи топшириғи октябрь ойи охирларида бажарилиши мумкин. Лак-бўёқ заводи эса ойлик планининг бешдан бир қисмини бажарди, холос.

Шундай қилиб, қатор корхоналар учун ойнинг охирида оғир финиш турибди. План зўр ғайрат ва маҳсулот таннархи ошириб юборилиши эвазига бажарилиши мумкин.

Лак-бўёқ заводида товар маҳсулоти тайёрлаш бўйича сарфланган харжлар ярим йил ичида деярли ярим миллион сўмни ташкил этди. Экскаватор ва «Подъёмник» заводларидаги аҳвол ҳам чатоқ. Товар маҳсулоти тайёрлашга кетган сарф экскаватор заводида 506 минг сўмга, «Подъёмник» да эса 233 минг сўмга етади.

«Главташкентстрой»га қарашли кўпгина корхоналарда иқтисодий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар ҳануз ҳал этилмаган.

Партия ташкилотлари, корхона раҳбарларининг бурчи — меҳнатни оқилона уюштириш, ишлаб чиқаришда мустаҳкам моддий-техника таъминотини йўлга қўйиш, ҳамма ички имкониятларни ишга солишдан иборатдир.

СЕНТЯБРЬ ЧОРЛАЙДИ

Ўқув йили тараддуди


МАКТАБЛАР КУТМОҚДА

Биринчи сентябрь қўнғироқлари чалинишига саноқли кунлар қолди. Районимиздаги барча мактаблар тўлиқ ремонтдан чиқариб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Бу йил райондаги 1, 10, 19, 24, 28, 38, 42, 65, 106, 115, 119, 169-мактабларда ўқиш-ўқитиш ишлари кабинет усулида олиб борилади.

Янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда ўзбек трактор-йиғув 2-нон заводлари ўз оталиқларидаги мактабларга катта ёрдам кўрсатдилар.

Мактаблар бахтли фарзандларимизни қучоқ очиб кутмоқда.

С. САИДАҲМЕДОВ,
Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири.



Қардош Украина бинокорлари шаҳримизда 2600 бола билим оладиган мактаб қурилишини тугаллаш арафасида туришибдилар. Бу билим даргоҳида ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча имкониятлар мавжуд бўлади.

СУРАТДА: мактаб биноларидан бири.

Ю. БУТУСОВ фотоси.

ЯНГИ ЎҚУВ КОРПУСИ

Кўмкўк дарахтзорлар орасида турли рангдаги катта-кичик ҳашаматли бинолар кўзга ташланади. Тошкент медицина институтининг соя-салқин бағрида юраркансиз, ўзингизни худди санаторийга кириб қолгандек ҳис этасиз. Бўлажак шифокорларнинг бу илм даргоҳида ҳозир 6 мингдан ортиқ ёшлар ўқимоқда.

Янги ўқув йилида институтнинг яна бир янги ўқув корпуси фойдаланишга топширилади.

ЁШ ШИФОКОРЛАР МАСКАНИ

Шаҳримиздаги Охунбобоев номли медицина билим юртини ўтган йили 500 дан ортиқ ёш шифокор битириб чиқиб, ҳозир республикамизнинг турли областларида хизмат қилишмоқда.

Бу йил билим юртига 600 ўқувчи қабул қилинди. Билим юртида ўқишлар тиш врачи ва техниги, фельдшер-лаборант, санитар-фельдшер, медицина ҳамшираси, фармацевт каби мутахассисликлар бўйича олиб борилади.

Медицина билим юрти қошида махсус поликлиника, дорихона ва клиник-гигиеник лабораториялар бор. Уларда бўлажак шифокорларимиз амалий машғулотлар ўтказадилар. Шунингдек, янги ўқув йилида билим юртимизда педагогика кабинети ҳам ишлайди.

Р. МИРХЎЖАЕВ,
Охунбобоев номли республика билим юртининг директори.

БИРИНЧИ ҚАДАМ

Янги ўқув йилидан бошлаб биринчи синф ўқувчилари янги программа асосида ўқитилади. Шунинг учун ҳам болалар боғчаларининг тайёрлов группаларида машғулотлар ҳар томонлама пухта олиб борилди. Ҳамза районидаги 371-болалар боғчасидан бу йил мактабга борадиган 25 бола машғулотларни яхши ўзлаштириб олишди. Улар расм чизишни, ҳисоблашни, ашула айтишни ва ҳарфларни ўқишни билишади.

Болаларни мактабга тайёрлашда боғча тарбиячиси Ҳалима Ҳамидованинг хизмати каттадир.

Н. СОБИРОВ,
ўқитувчи.

КАБИНЕТ УСУЛИДА

Ёзги каникул кунларида ҳам бу мактабга ўқитувчи ва ўқувчилар тўхтовсиз келиб туришди. Улар жонажон мактабларини ремонт қилишни ўз зиммаларига олишган эди.

Куни-кеча мактабда ремонт ишлари ниҳоясига етказилди. Бу йил 50-мактабда ўқишлар кабинет системасида олиб борилади. Биринчи синфлар янги программа асосида ўқитилади. Мактабда тарих, география, математика, рус тили каби янги фан кабинетлари ташкил этилди.

ТОҒЛАР БАҒРИДАН—МАКТАБГА

Бахтиёр фарзандларимиз ёзги каникулларини тоғлар бағрида, соя-салқин боғ-роғларда ўтказиб, янги ўқув йилига куч-қувват тўплашмоқда. Бўстонликдаги «Связист» лагерида ёз мавсуми давомида мингдан ортиқ ўқувчи ҳордиқ чиқарди. Ҳозир бу лагерда Тошкент алоқа ташкилотлари ходимларининг 430 фарзанди мириқиб дам олмоқда.

Яхши дам олган фарзандларимиз янги куч-қувват билан тез кунда мактабга қайтадилар.

ҲАММАСИ ТАХТ, ЛЕКИН...

Мактабимиз капитал ремонтдан тўлиқ чиқарилди. Мактаб биносида иситиш системаси, канализация янгиланди, ўқув корпусимиз худди янги қурилган бинодек чиройли бўлиб қолди.

Мактаб биносини ремонт қилишда Фрунзе районидаги 6-қурилиш ва 3-қурилиш-монтаж бошқармалари ишчи-хизматчилари фидокорона меҳнат қилдилар.

Ўқув йили бошланишига ҳамма нарса тахт, лекин ўқувчиларга облкнигаторгдаги ўртоқлар дарсликларни вақтида етказиб беришмаётир. Янги ўқув йилига эса, саноқли кунлар қолди. Ана шу асосий муаммони ҳал этиш керак.

М. П. ЗАМОР,
97-мактаб директори.

ЯНГИ МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Шаҳар театрларида янги мавсум бошланди. «Ёш гвардия» театри ҳам мавсумга пухта тараддуд кўрди.

Ана шу тайёргарлик даври ижодий коллектив учун қайноқ меҳнат ойлари бўлди. Театр артистлари жойларда ўз спектакларини намойиш қилдилар. Улар Оржоникидзе ва Калинин районлари қатор хўжаликларида кўрсатган саҳна асарлари томошабинлар томонидан илиқ қарши олинди.

Театр актёрлари янги мавсум спектакллари устида ишлашни сусайтирганлари йўқ. «Дуэллар» спектакли саҳна юзини кўргач, яна янгиларига қўл урилади. Ҳозирда «Дастлабки тафтиш» асари тайёрланмоқда.

Келгусида театр маҳаллий авторларнинг янги асарларини ҳам ўз томошабинларига тақдим этади.

ОБ-ҲАВО БУГУН

кечаси 14-16, эртага кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

Чет эллардa

АНГЛИЯ ОЛЬСТЕРДАГИ ҚЎШИНЛАРИНИ КЎПАЙТИРМОҚДА

ЛОНДОН. 19 август. (ТАСС). Англия Шимолий Ирландия (Ольстер)га ўз қўшинларининг янги группаларини шошилинч равишда ташламоқда. Белфастда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Шимолий Ирландиядаги инглиз қўшинлари қўмондони генерал Иэн Фрилэнд айтдики, яқин икки кун ичида инглиз қўшинларининг сони 6 мингдан кўп кишига етказилади. Ольстерга пиёда қисмлардан ташқари бронетанк қўшинлари ва армия вертолётлари ҳам ташланмоқда.

Пресс Ассошиэйшн Агентлигининг хабарига кўра, бугун кечаси Белфаст ва Лондондерриннинг бир қанча районларида отишмалар бўлди.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ РАДИОИТТИФОҚНИНГ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ОЧИЛДИ

ОТТАВА. 19 август. (ТАСС). Бу ерда халқаро илмий радиоиттифоқнинг бош ассамблеяси очилди. Бу иттифоқнинг бош ассамблеяси ҳар уч йилда бир марта ўтказиб турилади. Бу галги анжуманда 37 мамлакатдан келган олимлар ва мутахассислар қатнашмоқдалар.

Комиссияларнинг мажлисларида радиоастрономия, радиоўлчовлар, электрон асбоблар, радиотўлқинларининг тарқалиши соҳасида ва бошқа соҳаларда кейинги уч йил мобайнида ўтказилган тадқиқотларнинг энг муҳим ва диққатга сазовор натижалари тўғрисидаги ахборотлар тингланади. Ассамблеяда қатнашаётган совет олимлари бир қанча илмий ахборотлар берадилар.



Мустақилликка эришганига етти йил тўлган Бурунди республикаси (Африка)нинг пойтахти Бужумбурда кофе етиштирувчиларнинг байрам намойиши бўлиб ўтди. Кофе — Бурундининг асосий бойлиги. Бу ерда ҳар йили 17-18 минг тоннадан кофе етиштирилади.

ТАСС фотохроникаси.

Халқ контроли амалда

ФИДОКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Юқори органлар томонидан чиқарилган қарорларнинг тўла-тўкис ижро этилиши барча муваффақиятларимиз калити ҳисобланади. Мамлакатимизда қарорларнинг ижросини текшириш халққа топширилган.

Кўп ўзоққа бормасдан, заводимизнинг жонкуяр назоратчилари ҳақида гапириб бермоқчиман. Заводимизда амалга оширилаётган ҳар бир ибратли ишга назоратчиларимиз бош-қош бўлишяпти десам муболага қилмаган бўламан. Корхонамизнинг аъзолари билан бирга рейд ўтказиб, қатор камчиликларни аниқладилар. Чунончи, ишчиларга маиший хизмат кўрсатиш ҳамда айрим цехларда сув ва электр энергиясидан фойдаланишда хўжасизликка йўл қўйилаётган экан. Заводнинг қувв. йигиш, темирчилик • пресслаш, механика цехларидаги кранларнинг бузилганлиги натижасида минглаб кубометр сув исроф бўлган. Назоратчилар бундай ҳолнинг такрорланмаслиги юзасидан чора-тадбирлар кўрдилар.

Корхонамизда қора ва рангли металл ва турли ёқилғидан унумли фойдаланишни йўлга қўйишда ҳам назоратчиларимизнинг муносиб ҳиссалари бўлди. Г. Холод, А. Третьяк, Ю. Агеева, К. Коваленко каби жонкуярларимиз ўз зиммаларига юклатилган ишларни аъло даражада бажариш билан бирга назоратчиликда ҳам фидокорлик кўрсатдилар.

Халқ назоратчиларимиз яқин келажакда қиладиган ишларининг аниқ режасини тузиб олганлар. Ана шулардан энг муҳими, ишлаб чиқариш планларининг бажарилишига қаратилган.

Корхонамиз маъмурияти, партия комитети юқори сифатли маҳсулотлар бериш тўғрисида цехларга кўрсатма берган. Бу тадбир ва кўрсатмаларнинг ижро этилиши ҳам назоратчиларимиз эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Корхонамиз коллективи олдига қўйилган муҳим топшириқлардан бири буюртмачиларга белгиланган миқдорда эҳтиёт қисмлар етиштириб беришдир. Яқинда илғор ишчиларни мукофотлаш борши мақсадида 377 минг сўмдан иборат рағбатлантириш фонди ташкил этилди. Бу иш назоратчилар иштироки билан бўлди, албатта.

Ҳозир кун тартибига қўйилган муҳим вазифалардан бири қишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришдан иборат. Ўтган қишда юз берган қийинчиликлар ҳали кўпчиликнинг эсидан чиққани йўқ. Ишлаб чиқариш участкалари, барча маиший хизмат пунктларини қишга тайёрлаш юзасидан кўпгина ишларни бажариш кўзда тутилмоқда. Бу тадбирларнинг кўнгилдагидай бажарилишига ҳам биз назоратчилар кўз-қулоқ бўлиб турамиз.

Н. МАЛОВ,
«Таштекстильмаш» заводи халқ контроли группасининг раиси.

- ЗАВОД НАЗОРАТЧИЛАРИНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ
- Иситиш системалари ремонти нега кечикяпти?
- Шикоятлар — диққат марказида
- АВТОХЎЖАЛИКДАГИ ҲАНГОМА
- МОРОЖЕНОЕ СЕРОБ БЎЛАДИ



Люба Касперовна Тошкент электротехника заводи иккинчи цехининг моҳир штамповкачиси. Унинг қўлидан чиққан деталлар фақат аъло сифат билан қабул қилинади. Шу кунларда у корхонанинг бошқа илғор ишчилари каби доҳийтуғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун смена топшириқларини ортиғи билан адо этмоқда.
В. Ломовцев фотоси.

ХАТГА ЭЪТИБОР

Хатга эътибор — элга эътибор, дейди халқ. Ленин район халқ контроли комитети қошида иш олиб борувчи шикоят ва таклифлар бюромизда ҳамиша бунга амал қилинади. Меҳнаткашлардан бюромиз адресига ҳар куни кўплаб шикоят, таклифлар тушиб туради.

Бизга ҳавола қилинган ҳар бир шикоятга алоҳида аҳамият билан қарайимиз. Имконияти борича уни тезроқ кўриб чиқишга, зарур чора-тадбирлар белгилашга интиламиз. Мисолларга мурожаат қиламиз: «Электробитприбор» заводининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари номидан бюромизга сигнал тушди. Сигналда завод раҳбарлари (директори Қобилжонов) ишлаб чиқариш планлари юзасидан ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳисобот бераётганлиги айтилганди. Корхона ишчи-хизматчиларининг шикояти юзасидан заводда атрофлича текшириш ўтказилди. Сигналда кўрсатилганларнинг барчаси тасдиқланди. Айбдорлар қилмишига яраша жавобгарликка тортилди.

Ленин район партия комитети бюроси эса завод директори Қобилжоновни коммунистга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлари учун партия сафидан ўчириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, заводда йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатиш, давлат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган зарур тадбирлар белгилади.

«Подъемник» заводининг бир ишчиси номидан район халқ контроли комитетига шикоят келиб қолди. У бу ердаги айрим кўнгилсиз воқеаларни мисоллар асосида кўрсатиб берганди. Ушбу шикоятни текшириш юзасидан зудлик билан комиссия ташкил қилинди. Комиссия аъзолари корхона ҳаётини чуқур ўрганишди. Текшириш натижалари халқ контроли комитетида муҳокама қилинди. Ҳақ назоратчиларининг фидокорлиги туфайли корхонага келтириладиган катта зиённинг олди олинди.

Бюромиз атрофига уюшган жонкуярлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг меҳнаткашларнинг шикоят ва хатларига эътиборни кучайтириш тўғрисида қабул қилган қарорига амалий иш билан жавоб беришга ҳаракат қиладилар. Тушган ҳар бир шикоят хатини чуқур ўрганадилар, камчиликларнинг содир бўлган сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этишда қимматли маслаҳатларини аямайдилар.

Бюромиз ходимлари район халқ контроли комитетига келган шикоят ва хатларни текшириб, чора кўриш билан чегараланиб қолмайдилар, албатта. Район территориясидаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлар ва илмий муассасалар раҳбарлари меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига қандай муносабатда бўлаётганлигини ҳам назорат остига олиб борадилар. Бунга биргина мисол келтираман: Октябрь революцияси номли вагон-ремонт заводи раҳбарлари ишчиларнинг корхонада вентиляция системаси яхши ишламаётганлиги ҳақидаги ҳаққоний талабини инобатга олмаётганлиги маълум бўлди. Район халқ контроли комитетининг аралашиши натижасида ишчиларнинг бу ҳаққоний талаби қондирилди.

Меҳнаткашларнинг оз бўлса ҳам оғирини енгил қилаётганимиз билан биз назоратчилар, фахрланамиз.

В. ФЕДОТОВ,
Ленин район халқ контроли комитети меҳнаткашларнинг шикоят ва хатлари бюросининг штатсиз мудири.

КАМЧИЛИКЛАР, ТАДБИРЛАР

Автохўжаликларда нефть маҳсулотларини сарфлаш иши қандай боряпти? Саноат корхоналари ва ташкилотларга олиб борувчи темир йўл қисмларида вагонларга юк ортиш ва тушириш учун кетадиган вақтни қисқартиш, электротехника заводида электр энергиясидан фойдаланишнинг аҳволи қандай? Район халқ контроли комитетининг навбатдаги комитет йиғилиши шу масалаларни кўриб чиқди.

Ленин райони территориясида 6 та автомобиль хўжалиги мавжуд. Бу хўжаликларда бензин, автол, мойлаш учун ишлатиладиган нефть маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланишда бир қатор ибратли ишлар қилинганлиги таъкидлаб ўтилди. Аммо шу билан бирга айрим камчиликлар борлиги кўрсатилди. Мана, бир мисол. «Средазтрансстрой» трестига қарашли автохўжаликда (директори В. В. Емцов) автомашиналарга бензин бериб бориш аниқ ҳисобкитоб қилиб борилмайди. Шофёрларга йўлда юриш учун берилган варақаларда машинада қолган бензин кўпинча кўрсатилмайди. Кўрсатилган тақдирда нотўғри кўрсатилган бўлади. Чунончи, 4 та машина гараждан чиқиб кетаётганда уларга берилган когозда кўрсатилишича, ўн литрдан бензин бор деб ёзиб қўйилган экан. Аммо қайтиб келганларида қолган бензинларини ўлчаб кўрилганда, уларнинг ҳар бирида етмиш литрдан борлиги маълум бўлди. Ваҳолонки, ушбу машиналар ҳеч жойда заправка қилинмаган.

Шунингдек, ҳар бир машинани заправка қилишда ярим литрдан бир литргача бензин исроф бўлиши аниқланди. Нефть маҳсулотларини тежаб ишлатишда назоратнинг бўшлиги сабабли кўпгина исрофгарчиликларга йўл қўйилган.

Келтирилган зарар учун автохўжалик директори В. В. Емцовнинг ойлик маошидан ушлаб қолишга қарор қилинди.

* * *

Райондаги 60 та корхона, муассаса ва ташкилотлар темир йўл транспорти хизматидан баҳраманд бўлмоқда. Айниқса, 3-темир-бетон буюмлари заводи, область матлубот жамият ва «Узоптобокал» ташкилотлари базалари раҳбарлари темир йўл вагонларини белгиланганидан ортиқча сақлаб қолиш эвазига жарималар тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Биргина 3-темир-бетон буюмлари заводи шу йилнинг беш ойи мобайнида ўн уч минг 200 сўм жарима тўлаган. Базалар томонидан тўланган жарима ҳам бундан қолишмайди.

Завод ва ҳар иккала базадаги вагонлардан юкни тушириш ва ортиш ишларини тунда, шанба ва якшанба кунларида бажариш тавсия қилиб кўрилмаётир. Бу иш амалга оширилганда жарима тўлаётган ташкилотлар юз берган ноқулай аҳволдан қутулган бўлармидилар!

Бундай кўнгилсиз аҳволнинг содир бўлишида айбдор шахслар қаттиқ огоҳлантирилди.

* * *

В. И. Ленин номли электротехника заводида электр энергиясидан унумли фойдаланишга эришилмаяпти. Назоратнинг етарли бўлмаганлиги сабабли заводдаги кўпгина чироқлар кундуз кунлари ёқилганича қолмоқда. Дастлабки ҳисобларга кўра бир ярим миллион киловаттга яқин электр қуввати бекорга сарф қилинган.

Район халқ контроли комитетининг қарори асосида заводнинг бош энергетиги Д. Калантаров давлат энергия назорати томонидан огоҳлантирилди. Унга заводда электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан дарҳол зарур чора-тадбирлар белгилаш топширилди.



«Таштекстильмаш» заводи ишлаб чиқараётган турли хил тўқимачилик машиналари чет элларда ҳам машҳур. Корхона ишлаб чиқараётган машиналарга олий сифат белгиси қўйилади.

СУРАТДА: йигув цехининг илғор монтажчиси М. Қурбонов ва корхона халқ контроли группасининг жамоатчиси В. Волобуев «ПКЛ—100 М» машинасининг сифатини текширмоқдалар.

НАЗОРАТЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

2-вагон депоси қошидаги халқ контроли группаси иш фаолияти тобора яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда депода самарали иш олиб бораётган тўрт группага бир юз ўн икки халқ назоратчиси уюшган.

Депо назоратчиларининг иши ҳамиша партия ташкилоти диққат марказида туради. Партбюро аъзолари халқ контроли группаси иш планларини тузишда яқиндан кўмаклашадилар. Рейд ва текширишлар уюштирилганда коммунистлар фаол иштирок этишади. Аниқланган камчиликларни бартараф этишда ёрдамларини аямайдилар. Назоратчиларнинг иши коммунистларнинг умум мажлисларида, партбюро йиғилишларида муҳокама қилиб борилади.

Яқинда Фрунзе район партия комитети бюроси йиғилишида депо партия ташкилотининг назоратчиларга қилаётган раҳбарлик ишлари кўриб чиқилди. Амалга оширилган ишлар қайд қилинди. Шунингдек, вагон депоси халқ контроли группаси ишини янада жонлантиришда комсомоллар ва партиясиз активларни кўпроқ жалб этиш вазифаси топширилди.



Сўнгги вақтда Тошкент трикотаж фирмасида кўпгина машаққатли меҳнат жараёнлари механизациялаштирилди.

СУРАТДА: ишчи Р. Чемтульская корхонанинг бўяш цехида ўрнатилган бўяш агрегати олдида. Янги агрегат серунум бўлиб, маҳсулот сифати барча технологик талабларга жавоб беради.

М. Нуриддинов фотолари.

ЛОЙИҲАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА

Шаҳар халқ контроли комитети Тошкент давлат лойиҳалаш институти иш фаолияти билан яқиндан танишиб чиқишни лозим топди. Текширувчи мутахассисларни кўпроқ бу ерда давлат маблағидан қандай фойдаланилаётганлиги, штат-смета интизоми, касса ишларининг расмийлаштирилиши қизиқтирди.

Текширишда қатор нуқсонлар мавжудлиги қайд қилинди. Жумладан, штатда кўрсатилганидан ошиқча олинган ходимларга 5300 сўм тўланган. Институтнинг баъзи бир ходимларига маош тўлашда ҳам молия интизомига хилоф равишда иш кўрилган. Масалан, бўлим бошлиғи А. С. Старикнинг хотини Каменецкаяга 332 сўм миқдорда мукофот пули ҳеч нимага асосланмаган ҳолда берилган. Штат-молия интизомининг қўпол равишда бузилиши натижасида давлатга жами 7300 сўм зиён етказилган.

Институт директори О. А. Рушковский биринчидан, ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган бўлса, иккинчидан, ўз ўринбосари Б. Н. Фаерштейнга катта ишонч билдирган. Молия-штат масалаларини ўзаро келишилган ҳолда ҳал қилинганда, эҳтимол бу камчиликларнинг олди олинган бўларди.

Институт бош бухгалтери В. Т. Темникова ҳам ўз вазифасига совуққонлик билан қараган.

Шаҳар халқ контроли комитети лойиҳалаш институтидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тегишли қарор қабул қилди. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун институт директори О. А. Рушковский огоҳлантирилди. Директор ўринбосари Фаерштейн ва бош бухгалтер Темниковаларга пул жаримаси солинди.

Институт халқ контроли группаси (раиси Ф. Сойфер) аъзоларига молия-штат ва давлат интизомининг бузилмаслиги устидан назоратни кучайтириш, лойиҳалашдек мураккаб ишни муваффақиятли ҳал қилишда институт маъмурияти ва партия ташкилотига ёрдам бериш вазифаси топширилди.

РЕМОНТ ОҚСАМОҚДА

Шаҳар турар-жой бошқармаси иситиш системаларини ремонт қилиш ишига турар-жой конторалари слесарларини жалб этиб, меҳнат интизомининг бузилишига сабаб бўлган. Натижада турар-жой контораларининг слесарлари 7400 сўмлик давлат маблағини қонунга хилоф равишда ўзлаштиргандар.

Шаҳар халқ контроли комитети иситиш системаларини қиш мавсумига тайёр қилиб қўйиш борасида йўл қўйилган бундай камчиликларни тезда бартараф этишга қаратилган қарор қабул қилди. Қарорда шаҳардаги барча турар-жой эксплуатацияси конторларига қарашли бинобларнинг ички иситиш системаларни ремонтини қисқа вақт ичида тугатиш кўзда тутилади.

АВТОБАЗАДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Утган йил сентябрда шаҳар халқ контроли комитети «Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармасига қарашли 6-автобаза иш фаолияти юзасидан текшириш ўтказиб, қатор камчиликларни очиб ташлаганди.

Яқинда шаҳар халқ контроли комитети ана шу қарорининг қандай бажарилаётганлигини текширди. Аниқланишича, автохўжаликда (директор вазифасини бажарувчи А. Аляев, ўринбосари И. С. Гольдман, эксплуатация бўлими бошлиғи А. Я. Пашин) аввалги камчиликларнинг айримлари ҳали мавжудлиги маълум бўлди.

«Главташкентстрой» транспорт бошқармаси (бошлиғи П. В. Акульшин, ўринбосари А. И. Болмашнов) бу автохўжалигидаги тартибсизликларни кўра била туриб, уни тугатиш чорасини кўрмаган. Шунинг учун П. Акульшинга хайфсан эълон қилинди.

Айрим шахсларга бажарилмаган иш учун сарфланган пулни автохўжалик директори вазифасини бажарувчи А. Аляевдан ундириб олиш ҳақида қарор қабул қилинди.



«ОРГТЕХСТРОЙ» ТРЕСТИ КОЛЛЕКТИВИ ОРАСИДА В. И. КРИВОХИЖИННИНГ ҲУРМАТИ БАЛАНД. КРИВОХИЖИН ХАЛҚ КОНТРОЛИ ГРУППАСИНИНГ АЪЗОСИ, БАРЧА БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИНГ СИФАТИНИ ҲАМ У ТЕКШИРАДИ.

СУРАТДА: В. И. КРИВОХИЖИН.

Ю. Бутусов фотоси.

Мороженое кўпаяди

Тошлимводторг пойтахтимиздаги йирик савдо ташкилотларидан бири. Бу ташкилот савдо ходимлари зиммасига олийжаноб вазифа юкланган. У ҳам бўлса ҳамшаҳарларимизни йил давомида ширин ичимликлар ва ҳар хил сифатли мороженоелар билан таъминлашдан иборат.

Кўп йиллардан буён ойлик ва квартал товарооборот планларини муваффақиятли бажариб келаётган «Ташлимводторг» (директори К. Жалолов) бу ёз мавсумида берилган план топшириқларини нима учундир бажаролмай қолмоқда. Ўтган ярим йиллик савдо плани атиги 87,3 процент бажарилди. Бошқача қилиб айтганда, қўзда тутилганидан бир миллион 447 минг сўмлик кам савдо қилинди.

План топшириқларини бажараолмай қолишига асосий сабаблардан бири мороженое ва квас савдо шохобчаларига нотўғри тақсимланиш ва ҳ. к. «Ташлимводторг»нинг шаҳар районларида жойлашган тўққизта базасидан саккизтасида берилган планнинг айримларининг ишини ҳам тўғри ташкил қилолмади, бинобарин сўнгги икки йилга нисбатан бу йил квас сотиш кескин камайди. Ёз кўрки бўлган мороженое билан шаҳар аҳолиси эҳтиёжини тўла қондиролмаслик ҳам кенг ассортиментдаги маҳсулотларнинг бўлмаслиги топшириқларнинг бажарилмай қолишига олиб келди.

Бу савдо ташкилоти базалар планини 57 процентга етказилиб бажарилганига нима деса бўлади? «Ташлимводторг» ўтган ярим йил мобайнида музлатиш комбинатидан 678 тонна мороженоени олишга улгиролмади.

Аксарият савдо шохобчаларида ҳамма вақт ҳам кенг ассортимент сотиш ишини ҳам ўтказилиб бериш ҳақида (директори А. Аюпов) раҳбарлари ҳам айбдирлар. 3-автокомбинат ((директори М. Файнлейб) эса мороженое маҳсулотларини квас сотиш ишини ҳам ўтказиб бериш ҳақида махсус машиналар билан етарлича таъминлашга аҳамият бермаган.

«Ташлимводторг» ва «Ташхладокомбинат» раҳбарларининг ўз ишларига бепарволик билан қарашлари оқибатида шу йилнинг олти ойи давомида шаҳар аҳолисига саккиз юз тоннага яқин мороженое, бир ярим миллион сўмлик ширин ичимликлар кам тарқатилди.

Юқорида айтиб ўтилган камчиликларга йўл қўйганликлари учун «Ташлимводторг» ва «Ташхладокомбинат» раҳбарлари А. Жалолов, А. Аюпов ўртоқларга меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети томонидан қаттиқ ҳайфсан берилди. Қисқа вақт ичида ўз ишларида кескин бурилиш ясамасалар, уларга нисбатан қаттиқ жазо чораси қўлланилиши таъкидланди.

Н. ЛИМОНОВА.

● Фан ҳақида суҳбатлар

Табиий газ қандай олинади?

Сиз балчиқли сувдан доимо пуфакчалар чиқиб турганини кўргансиз. Ана шу пуфакчалар метан гази бўлади. Рус тилида буни болотний газ деб юритилади. Бу пуфакчаларни, яъни метанни балчиқда яшовчи микроорганизмлар ҳосил қилади. Лекин балчиқдан чиқаётган бу газ миқдори жуда оз бўлгани учун ундан фойдаланиб бўлмайди. Бундан бошқа нефтга аралашиб чиқадиган газ бор. Бу газнинг 30—60 процентини метан ташкил этади.

Хўш, ер остидан чиқадиган табиий газга одамлар илгарилари қандай қарашган? Табиий газ қадим замонларда маълум бўлган, аммо унинг қандай пайдо бўлишини кишилар билишмаган. Ер остидан чиқиб ётган табиий газ яшин учқунидан ёниб, алангага ҳосил қилган. Бунинг сири одамларга номаълум бўлгани учун улар, аланга худонинг амри билан пайдо бўлади, деб ўйлашган. Шунинг учун ҳам олов ҳақида турли хил афсоналар ва диний фикрлар яратилган. Бундан фойдаланган дин аҳллари ибодат хоналарга трубалар орқали табиий газ киргазиб, кишиларни алангага чўқинтиришган. Бундай ибодатхонани Боқунинг Сурохонн районида кўриш мумкин. Бу ерга ўтга чўқиниш учун кўпгина мамлакатлардан оташпарастлар келган. Ер остида бекиниб ётган табиий газ сирлари XIX аср охирларида, илмий кашфиётлар тараққий этаётган даврда очила бошлади.

Хўш, газ ер остида қандай пайдо бўлади?

Газ ер қатламларида учрайдиган ғовакли тоғ жинсларига ютилган ҳолатда бўлади. Ғовакли тоғ жинсларн устида қатламлар жуда зичлиги сабабли газ юқорига чиқа олмайди. Шунинг учун газ ҳамма вақт ерда тешик пайдо бўлишини кутиб ётади. Мабодо, ер қимирлаб, газ турган қаватларгача ёрилса, газ дарҳол бу ёриқлардан ер устига чиқади ва ҳавога тарқаб кетади.

Қумлик бўш ерлардан газ чиқа бошласа, худди булоқ остидагидек қумлар сакраб, ҳаракатга келиб туради. Ана шу ерга олов тегса, газ ёна бошлайди.

Агар ер пастки қаватига парма билан қудуқ қазилса, тоғ жинсларига ютилиб ётган газ юқорига чиқа бошлайди. Қудуққа ўрнатилган трубалардан оқиб чиқаётган газ махсус аппаратлардан ўтади. Бу аппаратлар газни қумдан ва турли ер ости моддаларидан тозалаб, магистраль трубаларга юборади.

Баъзи қудуқларнинг тупроғи бўш бўладн. Бундай қумга ўрнатилган трубани газ итқитиб отиб юбориши мумкин. Агар отилиб чиққан труба учқун берса, газ ёниб кетади, уни ўчириш эса анча машаққатли бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, биргина қудуқдан олинган газ жуда оз миқдорни ташкил этади. Шунинг учун газ чиқадиган районларда 20 тадан то 60 тагача қудуқ қазилиб, уларга алоҳида-алоҳида трубалар ўрнатилади ва ҳаммаси бирлаштирилади. Ана шундагина мўл-кўл газ олиш мумкин. Ўзбекистонда табиий газ асосан Бухоронинг Газли, Жарқоқ, Саритош, Қоровулбозор каби конларидан олинади.

Ер тагидан шу йўсинда чиқарилган табиий газ ўргимчак инига ўхшаб кетган ер остидаги трубалар орқали шаҳар ва қишлоқлардаги турли корхоналарга, хонадонларга тарқатилади.

Ю. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти лабораториясини нг мудири, техника фанлари кандидати.

Китоблар оламида

«ДЎСТЛИК ВА СЕВГИ»

Севгисиз яшашнинг маъноси йўқдир.
Севгисиз мақсадга етиб бўлмайди.
Севги билан барпо этилган бўстон,
Абадий яшайди, асло сўлмайди.

Ҳурматли шоиримиз Уйғун юқоридаги мисраларда бахтиёр ёшликнинг ўзига хос ажойиб ҳислатини ана шундай тасвирлайди. Ёшлар ўртасида ҳақиқий дўстлик ва пок муҳаббат тўғрисида турлича қарашлар, фикрлашлар бор.

Яқинда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари кандидати Нусратхон Валиеванинг «Коммунистик ахлоқ масалалари» сериясида «Дўстлик ва севги» номли китобчаси босмадан чиқди. Олима ўз рисоласида энг юксак фазилат дўстликнинг қадр-қиммати, кучи ҳамда соф севгини қадрлашни ҳаётий мисоллар асосида изоҳлаб берган.

«ГУЛ МАВСУМИ»

Яқинда Ғафур Ғулом номли бадиий адабиёт нашриёти шоир Чустийнинг «Гул мавсуми» деб номланган ғазаллар тўпламини нашрдан чиқарди.

Китобчада шоир ижодидан намуналар берил ган. Эртанги кун завқи-шавқи билан яшаётган, меҳнат қилаётган замондошларимизнинг орзулари, мақсадлари, севги-муҳаббати шоир шеърларининг асосий мавзусини ташкил этади.

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

◆ Дилда ҳамдардлик билдириш тилда ҳамдардлик этишдан афзал.

◆ Яхши ниятнинг яхши оқибати бўлади.

◆ Ғунча очилмагунча у ҳеч кимга муаттар ҳид таратмайди.

◆ Бир гулдан баҳраманд бўламан деб, юз тикан машаққатини тортишинг керак.

◆ Душман мақтовинигина чин мақтов деб бил.

◆ Ортиқча мақтов дашном беришдан ҳам ёмондир.


◆ Дарахт қурти дарахтнинг ўзидан чиқади.

◆ Қаер ёқимли жой? — Кўнглингга хуш ёқадиган жой.

◆ Дарс оғир бўлса, бефаросатни уйқу элтади.

◆ Боғбон ношуд бўлса, боғда не айб?

◆ Зиёфатхўр хушомадгўй бўлади.



ТОШКЕНТ РАДИО УЙИ
СУРАТДА: диктор Ф. Аҳмедова эшиттириш олиб бормоқда.
С. Безносов фотоси.

БИЛАСИЗМИ?

ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

Совет кишилари ўз фарзандларининг ўқиши учун ҳақ тўламайдилар. Лекин давлат ҳар йили: бир мактаб ўқувчисининг ўқиши учун — 100 сўмга яқин;

бир техникум ўқувчиси учун — 500 сўмга қадар;

олий ўқув юртида ҳар бир студентга — 800 сўмдан ортиқ маблағ сарфлайди.

* * *

Дунё аҳолисининг ярмидан кўпроғи 25 ёшдан ошмаган.

Совет Иттифоқининг ярим аҳолисини 26 ёшгача бўлган кишилар ташкил қилади.

СССР халқ хўжалигида банд бўлган ишчилар ва хизматчиларнинг бешдан бир қисмини — 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Мамлакатимиз илмий ходимларининг ярми ёшлардан иборат.

* * *

Ҳозир жаҳондаги йигирмата давлатнинг тўқимачилик саноати ўзбек пахтаси билан ишламоқда.

* * *

Иккита биринчи совет тракторн далаларга 1923 йилда чиқди. Ҳозир жаҳондаги барча тракторларнинг ҳар тўртасидан бирида «СССР да тайёрланган» деган марка бор.

* * *

Венгер мутахассисларининг ҳисоблашича, бир киши бир кунда тўхтовсиз ўртача бир соат гапирар экан. Бу эса, бутун ҳаётида деярлик икки ярим йилни ташкил қиларкан. Агар кишининг бутун ҳаётида айтган сўзлари қоғозга туширилса, ҳар бирида тўрт юз бет бўлган минг том ташкил топаркан.

Кўпчилик нимагадир хотин-қизлар эркакларга нисбатан кўп гапиради деб ўйлайди. Венгер олимларининг аниқлашича, эркаклар ҳам, хотин-қизлар ҳам баравар гапиришар экан.

* * *

«Бир томчи сут» — 1901 йилда Петербург шаҳрида биринчи марта болалар учун очилган сутли таомлар консультацияси шундай деб номланарди. 1913 йилда ҳаммаси бўлиб 9 та хотин-қизлар ва болалар консультацияларн мавжуд эди. Ҳозир эса мамлакатимизда 20 мингга яқин хотин-қизлар ва болалар консультациялари ҳамда поликлиникалари ишлаб турибди.

* * *

Жаҳоннинг бирорта ҳам мамлакати санаторийлари, дам олиш уйлари бўйича СССРга тенглашолмайди. Қора денгиз қирғоғида ва Москва областида, Енганинг қумлик денгиз бўйида, Урал орқасидаги ўрмонзорларда. Ватанимизнинг бошқа ўнлаб ажойиб хушманзара ерларида 3,5 мингдан ортиқ санаторий ва мингга яқин дам олиш уйлари совет халқига хизмат қилмоқда.

Ҳар йили бу соғломлаштириш масканлари ўз бағрига 8 миллиондан ортиқ кишиларни қабул қилмоқда. Совет санаторийлари ва дам олиш уйларининг «аҳолиси» Швецияга ўхшаш капиталистик мамлакат аҳолисига тенг келади.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Банклар национализация қилинишини қўллаб-қувватлаш митинги

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Ҳиндистон Коммунистик партиясининг ташаббуси билан Деҳлида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари ҳукуматнинг мамлакатдаги энг катта банкларни национализация қилиш тўғрисидаги қарорларини маъқуллашларини ва қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

Парламент депутати Б. Жха мажлис аҳлига, асосан темир-йўлчилар билан тўқимачиларга мурожаат қилиб, банкларнинг национализация қилинишн ишчилар синфининг ғалабаси бўлди, деб айтди.

Таниқли касаба союз арбобларидан бири Б. Д. Жошн реакциянинг национализацня мақсадларини бузиб кўрсатиш ва унинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш йўлидаги урнншларини қоралади.

ЛАТИН АМЕРИКАСИ ХАЙР-ЭҲСОНГА МУҲТОЖ ЭМАС

ГУАЯКИЛЬ, (ТАСС). Тараққиёт йўлидаги иттифоқ олдига қўйилган мақсадларга эришилганн йўқ,— деди Эквадор ташқи ишлар министри Рохелио Вальдивьесо.

Министр Америка «ёрдами» тўғрисида гапириб, бундай деди: «Лотин Америкаси мамлакатларига берилаётган ёрдамни саҳийлик билан қилинган инъом деб билиш ёки биз ҳайр-эҳсон сўрагандек уни олишга қўл чўзаяпмиз, деб ўйлаш бемаънилик бўлур эди». Бизнинг халқларимиз, деб таъкидлади Вальдивьесо, буюк давлатлардан саховатли бўлишни эмас, балки тенг ҳуқуқли муносабатда бўлишни. Лотин Америкасининг беҳисоб табиий бойликларидан ўзимиз фойдаланишдан иборат ҳуқуқимизни эътироф қилишни талаб қилмоқдалар ва бундан буён шуни талаб қила берадилар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг зарбалари

ХАНОЙ, (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб хабар беришича, Жанубий Вьетнам халқ қуролли кучларининг отрядлари Америка — Сайгон қўшинларига қарши муваффақиятли равишда жанговар ҳаракатлар қилмоқдалар. 14 август куни ватанпарварлар Локинь шаҳри районида «Биньлонг вилоятининг маъмурий маркази) душман позицияларига ҳужум қилиб, унинг 250 солдати ва офицерини сафдан чиқардилар ва 58 та бронетранспортёр н и яксон қилдилар, 6 та вертолётини уриб туширдилар. Шундан бир кун аввал озодлик халқ қуролли кучларининг жангчилари шу шаҳар атрофидаги Америка соқчиларига ҳужум қилган эдилар. Американинг 70 дан ортиқ солдат ва офицери сафдан чиқарилди, 14 та танки ва бронетранспортёри мажақланди. 11 августга ўтар кечаси ватанпарварлар Куангдин вилоятининг маъмурий марказига ҳужум қилиб, қўғирчоқ ҳарбий маъмуриятининг бир неча иморатини ва американинг маслаҳатчиларининг казармасини яксон қилдилар.



ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Республиканинг шимолий районларида бадиий каштачилик кенг тараққий этган.
СУРАТДА: каштачи қиз.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

Капиталистик мамлакатларда 750 миллион саводсиз бор. Ҳар йили саводсизлар армияси 20—25 миллионга қўпаймоқда.

* * *

Боливияда ҳозир ҳам ҳомиладор аёллар бола туғилган кунга қадар ишлайдилар. Шунинг учун ҳам болалар кўпинча ўлик туғилади.

* * *

Коста-Рика меҳнаткашлари истиқомат қилаётган уйларнинг 72,6 проценти яшаш учун яроқсиздир.

НИКАРАГУА СТУДЕНТЛАРИНИНГ ЗАБАСТОВКАСИ

САН-ХОСЕ, (ТАСС). Никарагуадан олинган хабарларга кўра, мамлакатда барча олий ўқув юртларининг талабалари иш ташлади. Улар сиёсий маҳбуслар дарҳол озод этилишини ҳамда АҚШ марказий разведка бошқармасининг кўрсатмасига биноан ишловчи сиёсий полиция—миллий хавфсизлик бошқармаси бекор қилинишини талаб этмоқдалар.

Социализм мамлакатларида

Болгариянинг радиоэлектрон саноати

СОФИЯ. Болгария радиоэлектрон саноатининг тўнғич корхонаси — кучсиз ток аппаратлари заводи бундан 20 йил муқаддам барпо этилган эди. Эндиликда мамлакатда радиоэлектрон машинасозлигининг 36 та заводи ишлаб турибди. Телевизорлар, радиоприёмниклар, кучайтиргич аппаратлар, ультра қисқа тўлқинли радиостанциялар, радиолокация аппаратлари, автомат телефон станциялар, телефон аппаратлари ва шу кабилар ишлаб чиқарилмоқда. Ўчта илмий-тадқиқот институти ва бир неча лаборатория радио ва электроника соҳасидаги техника тараққиёти проблемалари билан шуғулланмоқда.

Болгариянинг радиоэлектрон саноатини ривожлантиришда Совет Иттифоқининг берган ёрдами катта роль ўйнади. Болгариядаги кўпгина заводлар совет лойиҳалари асосида режалаштирилди ва қурилди. Ҳозир совет мутахассислари иштирокида Велико Тирново, Варна, Стараюзагорада радиотехника заводлари ва электрон ускуналар заводи қурилмоқда.

Савдо-сотиқ алоқалари мустаҳкамланмоқда

БУДАПЕШТ. Социалистик лагерь мамлакатларида ишлаб чиқарилган кенг истеъмол моллари Венгрия магазинларида йил сайин тобора кўпаймоқда. Совет Иттифоқи Венгрия билан савдо-сотиқ қилаётган энг катта мамлакатдир. Венгрия Халқ Республикасининг ички савдо министрлиги Украина, Эстония, Латвия, Литва, Молдавия ва Белоруссия билан бевосита алоқа ўрнатди. Совет республикалари билан мол айирбошлаш йўлга қўйилганлиги туфайли бу йил Венгрия магазинларига юз минг совет радиоприёмниги, 120 минг соати ва бошқа кўпгина моллари келтирилади. Савдо-сотиқ кенгайиб бораётганлиги натижасида озиқ-овқат молларининг турлари ҳам кўпаймоқда.

Ўз навбатида Венгрия Совет Иттифоқига кийим-кечак ва пойафзал, чарм галантерея, спорт моллари ва бошқа маҳсулотлар юбормоқда.

Турбиналар чет мамлакатларга сотилмоқда

ПРАГА. Ҳозирги вақтда дунёнинг 15 дан ортиқ мамлакатидаги 60 тадан кўпроқ электростанция Чехословакияда тайёрланган турбиналар ва генераторлар билан ускуналанган. Республика Болгария, Польша, Германия Демократик Республикаси, Руминия ва бошқа мамлакатлардаги электростанцияларга ўрнатиладиган турбиналар ва энергетика ускуналарини тайёрламоқда. Чехословакия энергия иншоотчилари Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан мустаҳкам иқтисодий алоқа боғлаганлар. Ҳиндистон, Бирлашган Араб Республикаси, Индонезия, Бразилия ва Африка қитъасининг бир қанча мамлакатларидаги иссиқлик электростанциялари ва гидроэлектростанциялари Чехословакия Социалистик Республикасининг кўмаги билан қурилмоқда.

ИККИ ДИВИЗИЯ ҚОЧОҚЛАР

АҚШнинг ҳукмрон доиралари мамлакатда, айниқса қуролли кучларда ҳарбийга қарши ҳолат рўй бераётганидан ташвишланмоқдалар. Нима учун ташвишланаётганлиги-лари ўз-ўзидан маълум, улар Америка солдатининг итоатгўй, ҳарбий авантюралар ишқибозларининг иродасига бўйсунувчи бўлишини истаган кишилар. Қўшма Штатлар монополияларини я и г органи «ЮС ньюс энд Уорлд рипорт» журнали бу проблемага худди шундай позицияда ёндошмоқда.

«Қуролли кучларда (АҚШ) ...ҳозир кўпгина исён, бебошлик, ирқий тўқнашув, армиядан қочиш ва ўзбошимчалик ҳолатлари рўй бермоқда»,— дейди журнал тиш ғижирлатиб. Унинг редакторлари қуролли кучлардаги аҳлоқий тушкунлик ва шахсий составнинг интизомсизлигини «радикал группаларнинг олдиндан ўйланган ҳужуми» деб таърифлайди. Тўғри, журнал бунда Вьетнамдаги умумхалқ ғазабини кўтараётган мудҳиш уруш озмунча роль ўйнамаётганлигини тан олади. Аммо журнал уни «Қўшма Штатлар умумий системасидаги анча кенг компанияларнинг бир қисми» деб билиб, «ҳужум қилиш бир баҳона» тарзида таърифлайди.

Мақола муаллифлари шу ерда ўйлаб иш тутишлари лозим эди: нима учун одамлар урушга қарши чиқиб, бутун Америка системасини яққол ҳушуна бошлашди? Аммо журнал бу воқеаларнинг ҳақиқий мазмунини анализ қилиш учун ўзини қийнамайди. Биладики, асосий масалага қуйидагича жавоб бериш мумкин: уруш фойда келтирадиган кишилар унинг саҳифаларида кўринмайди. Бунинг ўрнига улар тобора «бебошликни» авж олдираётган ҳарбий хизматчиларга ҳужум қиладн.

«Армия қуйидагича чақирувчилар билан юзма-юз бўлди,— ғазабланади «ЮС ньюс энд Уорлд рипорт»,— шу вақтга қадар ундай кишилар — Қўшма Штатларга содиқлиги ҳақида қасамёд қилиб, ўз ватани учун ҳаётининг охиригача курашишга қасам ичишдан воз кечган кишилар Америка практикасида ниҳоят кам кўзга ташланарди. Ҳақиқатан ҳам америкалик ёшлар ҳукуматнинг халққа қарши сиёсати бўлмиш ватанга содиқликни тан олмаяпти, монополиялар фойдаси учун курашиб, ҳақиқий миллий масала билан мутлақо боғлиқ бўлмаган йўлдан боришни истамаяпти. Ўз-ўзидан маълумки, журнал бундай хулоса чиқаришни истамайди, тўғри хулоса чиқара олмайди ҳам.

Унинг мақсади урушга қарши адолатли учун курашаётганлар томонида эмас.

Мақолада келтирилган маълумотларга кўра, — «1968 йили 39239 киши армиядан қочганлар рўйхатига ёзилди. Бу 2,5 пиёдалар дивизиясига тенг». Ўша йили,— хабар қилади журнал, 809 киши ҳарбийга чақирилишдан бош тортгани учун суд қилинди, 5000 ёш йигит Канадага қочиб кетди, 200 дан ортиқ ҳарбий хизматчилар Швецияга яширинди. «ЮС ньюс энд Уорлд рипорт» шуҳратсиз йўқолганлар рўйхатида АҚШ жангчиларининг «тўлиқ йўқолган рақамини айтганлиги» ҳам гумон. Тахмин қилиш мумкинки, у рақамлар бундан ҳам катта.

АҚШда ҳарбийга қарши ҳаракатнинг оммавий тус олишини журнал очиниб шарҳлаётган бошқа фактлардан ҳам билиб олиш мумкин. «Студентлар университетлар территориясидан вербовка қилаётган кишиларни куч билан ҳайдаб юбордилар. Баъзи колледжлар мажбур қилишга қарши чиқиб, ўз ўқув юртларидаги резерв офицерлар ўқув корпуси — кичик офицерлар тайёрлашнинг асосий воситасини тарқатиб юбордилар». Бу эса «ҳарбий бошлиқлар, маориф системаси ходимлари ва граждан амалдорларини ташвишга солмоқда».

Шундай қилиб, «демократия» эркинлиги берилган мамлакатда ёшлар демократик жамият ...тузишга мажбур бўлмоқдалар. Фашизм хавфининг реаллиги минглаб кишиларни бу ички хавфга қарши курашда бирлашишга мажбур қилмоқда.

С. КОЗЛОВ,
АПН ҳарбий шарҳчиси.



УГАНДА. Узоқ Африка мамлакатида бир группа совет врачлари юксак инсоний бурчни адо этмоқдалар.
Медицина фанлари кандидати Ленинград санитария-гигиена медицина институтининг ўқитувчиси Юрий Рикушин раҳбарлигида БМТ қошидаги жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) программаси амалга оширилиб, мамлакат аҳолиси чечак ва силга қарши эмлашдан ўтказилмоқда.
ТАСС фотохроникаси.

Хожи Аҳмар

Чашма

Қисса

. . Шундан ярим соат ўтгач, биз Ойхон билан хотиржам ўтириб суҳбатлашар эдик.

У гўё ҳалигина ўтган можарони унутгандек яна очилиб ўтирар. афтидан бундай гаплар тез-тез бўлиб турганидан бўлса керак, жуда бепарво эди. Ойхонинг кўнглига гап келмасин учун. ўзимни қизиқтирган мавзуга дарҳол кўчмай, ундан-бундан гаплашиб ўтирдик. Кейин мен. гўё ҳеч нарсадан бехабардек, ўсмоқчилаб сўрадим:

— Бобой бир ёққа шошиб кетдиларми?

Ойхон менга табассум билан тикилди. «билиб туриб сўрайсиз-а»— дегандек бош чайқади. кейин соддагина қилиб:

— Аразлаб кетдилар, — деди.

— Нима қилиб?

— Аҳрорни ҳеч кўз очирмаган қўймай ҳадеб ураверадилар. Бир нарса деб қолсангиз борми жанжал. араз.

Ойхоннинг гапларига қулоқ солиб ўтирибман, мен яна бир нарсани сездим. Унинг сўз оҳангида на шикоят ва на ўкинч бор эди.

— Оғиз очсалар юрагим зириллайдиган бўлибди.— сўзидан.

— Ўз ихтиёрингиз биланми?

Ойхон яна табассум қилди.

— Бирор мажбурият бўлмаса. ким ўзини тоҳға ташларди?

— Сизни ким мажбур қилган?

Ойхон жим қолди. Аммо саволга жавоб бермай. нақулай вазиятда туриб ичкарига кириб кетди. Бир неча минутдан сўнг четлари саргайган бир фотосуратни олиб чиқиб менга узатди.

Мен хаёл оғушидан уйғониб. кўз ўнгимда Студентни кўраман.

— Тақдирга бир нарса дейиш қийин! — дейди у кўк пиёздан салат ҳозирлар экан.

Столда эса ажойиб бир «натюрморт»: катта апельсин. «Кармень» номли конфет қути. «Кис де Фрунт» деб ёзилган юмалоқ банка. Ўртада офтоб. нурида бир шиша «Столичная» билан ажнабий маркали ясси флакон вино.

— Масалан менинг бир ўртоғим.— сўзида давом этади Студент.— Мен сизни учратгандек. у ҳам бўлажак хотинини поездда учратган. Ҳозир уларнинг иккита боласи бор. Ҳар кимнинг ҳаваси келадиган оила... Бошқа бир оғайним. масалан, техникумни битирди. Ўзи билан ўқийдиган суқсурдек қизни олмай. ёш мутахассис сифатида дунёнинг бир бурчагига ишга жўнаб кетди. Икки йилдан кейин қарасам. бир тавияни бошлаб юрипти. Ҳа десам. қайлиғим дейди. . .

— Сизнинг ҳам қайлингиз борми? — менга мурожаат қилади қиз.

Кайфият ҳалигидек бўлгани ва Қиз кўзимга ниҳоятда хунук кўриниб ўтиргани учун уни гап билан чимчилайман.

— Бор эди. лекин бировга оғиб кетган.

— Нега?

Бу саволга бошдан беретимни олиб ва гарданимни қашлаб жавоб бераман.

— Бир гал поездда мана шу ошнамга сизга ўхшаган кишилар билан бир купега тушиб қолдим. Аския. ҳангома бўлди. Мана бунга ўхшаш ароқ-вино бўлди. Мени ҳам меҳмон қилишди. Кейин қарз қолмаслик учун мен уларни меҳмон қилдим. . Натижада поездан тушар-тушмас такси талашиб. биров билан олишиб қолдим. Бизнинг қайлиқ буни кўрдию. индамасдан жўнаворди: Мен бўлсам ичиш у ёқда турсин. хатто папирос чекмайман. . .

Қиз менга энагинн қўлига тираган ҳолда табассум қилади:

— Ўзингиз жуда яхши йигит экансиз. Лекин сочни олдириб нима қилар эдингиз?

Мен беретканн кийиб оламан.

Қиз «мана энди одамга ўхшадинг» дегандек кулиб қўяди.

Мен найзамни ўнглагунча бўлмай. гапни Студент илади.

—Дарвоқи матчларинг нима билан тугади?— дейди у афтидан гапни аввалги ўзонига қайтариш учун.

—6:3!— дейман мен ва Қиз учун мўлжалланган найзани улоқтираман:—Ўзларингники-чи?!

—Ҳозирча «дуранг!» — Студент учун жавоб берди Қиз. — Ҳозирча. . . — бармоғини кўтаради Студент ва яна Қизга мурожаат қилади — Хўп. ўйин давом этади: юриш мендан. Айтингчи. наҳотки шу дамгача сизга бирон улфатда бўлишга ва бирон марта вино ичишга тўғри келмаган?

—Нега тўғри келмасин? Байрамларда. туғилган кунларда. қариндош-уруғлар йиғилганда ичганман. Лекин бир рюмкадан ортиқ эмас.

— Менимча ҳозир ҳам ичишга. . асосингиз йўқ эмас.

Қиз жавоб беришга улгурмай. эшикда Врач кўринади.

—Ажойиб натюрморт.— дейди столга кўз ташлаб. — Автор ким?

—Мен,— камтарлик билан жавоб беради Студент.

— У киши яна ҳикматли бир гапнинг ҳам автори. — сўз қўшади. Қиз: — Замонавий қизлар эркаклардан бирон микрон ҳам орқада қолмасликлари шарт-»

— Сиз буни амалда исбот этдингизми? — дейди Врач.

— Лекин юз фоиз эмас. — эътироз қилади Студент. — Буни ҳали тўла исбот қилишлари керак.

— Яъни, масалан?

— Яъни. масалан: — яна гапни илади Қиз. — Мана бу ажнабий этикеткали винони бу киши мен учун махсус сотиб олган. Сотиб оларкан ўзича фол қилган: агар мен винони ичсам, у киши бутун умр бахтли бўлади, ичмасам уни бахтсизлик кутади: бировни бахтсиз қилмаслик учун таклифга рози бўлдим. Лекин косагул сифатида сизни кутишни шарт қўйдим. . Ким билади. балки сиз бизга восий оталик ролини адо этарсиз.

— Қиз менга юз ўгириди:— Гувоҳимиз бўлса — мана бор. Хуллас, қадаҳ учун сўз сизга.:

Қиз гапларни эшитар экан. Врач Студентга бир неча бор тикилиб қарайди. Кейин столда турган икки стаканни олиб Қиз қўлига тутқазди.

— Хўп. розиман. Бунинг учун сиз бу стаканларни яхшилаб ювиб келасиз. кейин дўстимиз уларни тўлдириб қуяди. . . Лекин унгача менинг ҳам битта шартим бор: сиз стаканларни ювиб келгунча мен битта папирос чекиб. гапирадиган гапларимни ўйлаб олишим керак.

Зийрак Қиз дарҳол ўрнидан туриб. купедан чиқади.

Врач «Казбек» қутисидан папирос олади. Уни обдан эзғилайди. шошилмай гугурт чақади. Бекорчиликка эрмак қилгандек адёлда ётган санъат китобини олиб варақлайди. Расмларни бирбир кўздан кечираркан, бир натюрмортда тўхтаб, Студентга мурожаат қилади.

— Сизникига ўхшар экан... .

Яна варақлашда давом этади «Сикситина Маъбудаси» чиққач уни Студентга кўрсатади:

— Қалай?

— Дуруст. . .

Врач бу гал Энгрининг «Чашма»сини топади.

Студент бир расмга. бир Врачга қарайди. Кейин юзининг бир ёғи билан жилмайиб. гарданини қашийди.

— Бунисн-чи?

Врач китобни ёпиб. бир чеккага қўяди.

— Нима юмуш қиласиз?

— Техникман. — дейди Студент.

— Ия. студент эмасмисиз?! —ҳайрон бўламан мен.

— Йўқ.

—Афсус, — дейди врач. — Мен сизни санъат кишиси деб ўйлаган эдим. Хатто сиз билан баъзи нарсалар ҳақида фикр олишмоқчи эдим. . .

Врач анча вақт жим қолиб, папирос чекади. Кейин гапни узоқдан бошлайди. Студентдан у яқин ўрталарда никоҳ тўйига борган-бормаганини сўрайди. Ундан ижобий жавоб олгач, тўй тафсилотини суриштиради. Хусусан келин ота-она уйидан куёв уйига олиб кетилаётган пайтда шу ерга йиғилган аёллар нима қилгани билан қизиқади.

Студент саволга жавоб беришга қийналаркан. менинг кўз ўнгимда яқинда ўзим борган никоҳ тўйи жонланди.

Дарҳақиқат келин жўнаб кетаркан. бу ерда тўпланган хотин-халаж. ҳатто тўй жойига мутлақо тасодифан келиб қолган аёллар ҳам кўзларига ёш олишди.

Эсимда. келин ҳамма билан хайрлашиб бўлгач. бир чеккада йиғлаб турган кекса аёл олдига келди. У билан ҳаммадан кўпроқ қучоқлашди.

Машина кетди. Одамлар тарқалишди. Кампир эса ҳамон жойида турар ва жиққ ҳўл бўлган дастрўмол билан ҳеч тўхтатиб бўлмаётган кўз ёшларини артар эди.

Кейин билсам бу аёлнинг ёлғиз боласи Ленинград қамали вақтида ўз қўлида жон берган экан. . .

— Орадан чорак асрдан ортиқ вақт ўтган, — дейди Врач менинг ҳикоямга жавобан. — Лекин бу аёл боласини унутган эмас. Нега? Чунки — она! Она. . . Бизнинг вагон тамбурида бир маст келди. Кўрган бўлсангилар керак. Мусичадек ёввош. ҳеч кимнинг дилига озор бермаган экан. Ароқ ичиб маст бўлиш у ёқда турсин, ҳатто ичимлик кўчасидан ўтмаган экан.

Бугун онасидан айрилиб, ҳалиги аҳволга тушипти. . . Она!

— Сиз энди мана бу расмга эътибор беринг. — давом этади Врач «Чашма»ни кўрсатиб. — Бу қиз ким? Нега рассом уни мусаффо чашма ёнида, яна бу ҳолда тасвир этган? Яна унга «Чашма» деб ном берган?

Студент елкасини қисади?

— Буни ҳар ким ҳар хил тушунади.

— Тўғри. ҳар ким ҳар хил. . . Мен бу асарни музейда кўрганман. Энгер кўргазмасида. Ўзи жуда катта расм. Мен ҳам аввал сизга ўхшаб гарданимни қашидим.

Кейин бу «асар» ҳақида фикр сўраш учун ёнимда турган кишига қарадим Қарадимуу, б и р неча муддат қотиб қолдим. У одам кўз ёшини базўр тутиб турипти. . . У шундай тушунтирди: унинг назарида ўн гулидан бир гули очилмаган бу қиз чашма ёнидан ҳаётга қадам қўяди. Унинг дили, жасади инсонга ишончи, ҳаётдан умид-орзуси шу чашма сингари бегубор, пок. Лекин ҳаёт остонасида уни қандай одамлар кутиб олишини билмайди. Шунинг учун ҳам бизга маъюс боқади.

Соф виждонли кишилар бу умид-орзулар ҳаққи-ҳурмати қизни шу чашма сингари пок ва оҳорли либосларга чирмайдилар. У оналикка узатилган кун хотирида бир умр қолсин учун тўй-томошалар қиладилар. Йўлига гулдан пояндоз соладилар. Лекин ҳаётда виждонсиз. разил кишилар ҳам оз эмас . . Қизни қандай улар қарши олади? — . . Врач сўзини кесиб. менга мурожаат қилади. — Дарвоқе. қизимиз қани? Чақиринг.

Мен купедан чиқар эканман. Врачнинг кейинги сўзларини эшитаман:

— Хўш. улар қандай қаршн олади? . .

Қизимиз коридорда, дераза ёнида ўтиради. Югуриб ўтаётган чўл ва ботаётган қуёшнинг қизғиш нурлари стакан томчиларда акс этади.

Мен яқин боргач, у ўрнидан туради.

— Косагул чекиб бўлдиларми?

— Қадаҳ сўзини ҳам айтиб бўлдилар. . .

Қиз менга маъноли қарайди.

— Демак қуруқ оворагарчилик денг?

— Ҳа. . .

Қиз кетади.

Коридорда қатновчилар кўпайган. Биров вагон-ресторанга кетаяпти, биров у ёқдан қайтаяпти.

Мана бизнинг Студент ҳам купедан чиқиб ўша ёққа жўнади.

Бир неча шиша пивони қучоқлаб олган ширакайф кимса уни т у р т и б ўтиб биринчи купедагилар билан ҳангома қилаётган пакана проводник олдида тўхтайди. Оёқда чайқала-чайқала унга бир нима ларни уқтиради. Проводник хира пашшани қувгандек унга қўл силкийди. купедагиларга нимадир деб. мен томонга юради. Жавобни ҳам кутмай. бизнинг купега елка суқади. Ҳангома энди бизнинг купе олдида давом этади.

Аввал нима гаплигини тушунмайман. Фақат проводник «биласиз; тўртта ўзбек йиғилса самолётда ҳам ош қилади». деганидан кейин мақсадни англайман.

Врач қизиқроқ гап айтади шекилли, проводник хоҳолаб кулади.

— Насиба-да. домла — дейди кулги аралаш.— Насибаси қўшилса баъзилар ошни эмас, муштни еб кетар экан. ҳа. ҳа. ҳа!

Ниҳоят кўнади шекилли. пиджагини йўлакай кийиб, эшикда врач кўринади. Афтидан жилла боргиси йўқ. лекин кўнгил учун кетаяпти.

Бу орада коридор бошида пилесос гувиллаб, иккинчи проводник бизнинг купеда гойиб бўлади.

(Давоми бор).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

(Давоми. Бошн газетанинг 190, 191, 192, 193, 194-сонларида).

Радио

21 август

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 «Қишлоқ киноқорлари» (ўзбекча). 19,20 Татар куйлари. 20,00 Футбол «Пахтакор»— «Урал. маш» (Свердловск). «Пахтакор стадионидан олиб эшиттирилади. 20,45 Концерт. 21,00 «Ҳозирги замоннинг уч буюк кучи: жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар синфи ва миллий озодлик ҳаракати» деган суҳбат (ўзбекча). 21,10 Пахта далалари меҳнаткашлари учун концерт. 22,20 Лапарлар. 22,40 В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча). 23,15 Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 «Бир сатр тарихи» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). 19,30 «Музикали календарь». 20,00 Эш ижрочилар концерти (тожикча). 20,30 Ўзбекистон артистлари ижросида чет эл композиторларининг қўшиқ ва романслари. 21,00 «Ёшлар ижоди» (ўзбекча). 21,40 Москва.

22 август

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6,15 Тонгги концерт. 7,40 Меҳнат ҳақида қўшиқлар. 8,25 Ўзбек операларидан парчалар. 9,30 С. Юдаков. Квартет учун сюита. 9,50 «Аҳмад Саркор» деган очерк (тожикча). 11,15 Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгаши якунларига доир. «Халқаро коммунистик ҳаракат тараққиётининг муҳим босқичи» деган суҳбат (русча). 11,30 Бобир ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 13,30 Бетховен. «Аппассионата». 15,15 «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (ўзбекча). 15,30 Ҳ. Шарипов. «Бог кўча болалари» радиокомпозицияси (ўзбекча). 16,10 Ёшлар учун музикали соат 16,50 «Правда» газетасининг обзори. 17,00 «Ўзбекистоннинг музика маданияти» циклидан. Қўшиқлардан-романсларга.

18,00 Юридик фанлари кандидати Г. Аҳмедовнинг «Жамоат тартибини мустаҳкамлаш — муҳим вазифа» деган суҳбати (ўзбекча). 18,10 Фортепьяно пьесалари. 19,20 «Хайтарма» ансамбли солистларининг концерти. 20,00 «Ўзбекистон индустриалний» радиожурнали. 20,30 Саноат ходимлари учун концерт. 21,00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21,10 Дала меҳнаткашлари учун концерт. 22,20 Қувноқ оҳанглар. 22,40 Н. Ғафуров: «В. И. Ленин ва Л. Толстой» деган суҳбат (ўзбекча). 23,15 «Дам олиш соатида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 Эстония эстрадаси артистларининг концерти. 9,15 Реклама ва эълонлар.

19,00 Хор қўшиқлари. 19,30 Чолғу ансамбллари чалади. 20,00 Тожик куйлари. 20,30 Т. Содиқов романслари. 20,50 «Колхознинг янги устави ҳақида ўйлар» (русча) 21,00 «Социалистик мамлакатлар адабиёти». Ливну Ребряну. «Ҳасад» романидан парча (ўзбекча). 21,40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14,00 «Ҳаётбахш ўлим» спектаклининг монтажи (ўзбекча). 16,30 Ўзбек халқ куйлари. 17,00 П. Чайковский. «Черевички» операси.

Телевизор

21 август

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18,35 Телевизион янгиликлар. 18,50 Болалар учун учун эшиттириш. 18,20 Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 19,30 Мукимий номидаги Давлат музикали драма театрининг «Қалам қошлигим» спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида телевизион янгиликлар ва «Енгил саноатнинг янги гиганти» деган эшиттириш.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22,00 Бутуниттифоқ телевизион фильмлар учинчи фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Угрюм-река» Телевизион бадиий фильмнинг иккинчи серияси. 23,20 «Вақт» информацион программаси. 23,30 Телепереклична. 00,15 Рангли телевидение программаси. Музей ва виставка залари бўйлаб. 01,15 Интервидение. Сопотда халқаро қўшиқ фестивали. Польшадан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида велоспорт бўйича жаҳон биринчилиги кундалиги. 03,50 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

18,00 Дўстлик экрани. Душанба телестудиясининг кўрсатувлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 Ўқувчилар учун. «Ленин сафдошлари». 20,30 Ўқувчилар учун. «Чарм тўп» мукофоти учун. 21,00 Рангли телевидение программаси. «Хайвонот оламида».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 22,00 «Қизлар» Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20,00 «Ян Фабрициус». Телефильм.

Рус тилида: 20,20 «Ўлдаги хутор». Телеспектакль.

22 август

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18,35 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник» программаси. 19,15 Телевизион янгиликлар. 19,30 Музикали саёҳат. 20,30 Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида: 20,35 Телевизион янгиликлар. 20,55 Киноленинномма. «Ленин биз билан». 21,20 Жаҳон халқларининг куйлари. 22,00 Техника моҳир қўлларда. 22,25 «Оламга саёҳат». Киноэшиттириш.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

12,55 Кўрсатувлар программаси. 13,00 Янгиликлар. 13,15 Кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчилар учун. «Қувноқ шаҳарча». 13,45 Бадиий фильм. 15,15 Оренбург область рус халқ хори ва халқ рақс ансамблининг концерти. 16,15 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18,00 Болалар учун. «Жасур тикувчи». Мультфильм. 18,30 «Талантлар ва мухлислар». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19,55 Кўрсатувлар программаси. 20,00 Янгиликлар. 20,15 П. И. Чайковский. «Франческа да Римини». Симфоник поэма. 20,45 «Биз — коммунистлар». Телеочерк. 21,15 Ленинград Малий опера ва балет театри артистларининг концерти. 22,15 А. Островский пьесаси асосида ишланган спектакль премьераси. 23,45 Янги ликлар эстафетаси. 00,30 «Ярмарка». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 01,15 Интервидение. Сопотда халқаро қўшиқ фестивали. Польшадан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида янгиликлар. 03,35 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20,00 «Ярим аср қўриқчилигида». Кинофильм.

Рус тилида: 20,20 «Ёшлик бахш этувчи шаҳар» Телефильм. 21,00 Қозогистон радиоси ва телевидениеси эстрада оркестрининг концерти. 21,40 «Инсон туғилди». Бадиий фильм.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22|VIII да Парвона, 23|VIII да Алишер Навоий.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22|VIII да Тошболта ошиқ, 23|VIII да Гавҳари шамчирог.

Кино

21 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Қизларни ўгирлаш— «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кечқурун).

Аниичка — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ҳужумкор бўл — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Тайга ҳўжайини — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Улкан севги серенадаси — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Райк болалари — «ДРУЖБА» (кеч соат 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10,40 минутда бошланади)

Қизларни ўгирлаш — «ФЕСТИВАЛЬ».

Аниичка — «ХЕВА».

Килиманджаро қорлари — ТЕЛЬМАН номли.

22 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Аниичка — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да) «МОСКВА» (эрталаб 10 ва кеч 9 да).

Қизларни ўгирлаш — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11,40 минут, кундуз 5 ва кеч 7 да).

Орзулар палласи — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6, 8 ва 10 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 5, кеч 6,45 минут, 8 ярим ва 10 да).

Улкан севги серенадаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Олтин ўқ— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги (Ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ҳужумкор бўл —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11,45 минут, кундуз 1 ярим, 3,15 минутда).

Сангам — «МОСКВА» (кундуз соат 1 яримда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10,40 минутда бошланади)

Қизларни ўгирлаш — «ФЕСТИВАЛЬ».

Дзюдо даҳоси — «ХЕВА».

Бу ерда бахтли эдим —ТЕЛЬМАН номли.

УРТА ОСИЕ ТОҒ ҚУТҚАРИШ БЎЛИНМАСИ ШТАБИГА

бош бухгалтер

КЕРАК

Маош смета бўйича тўланади. Бепул маиший хизмат ва бошқа имтиёзлардан фойдаланилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Свердлов кўчаси, 14-уй Телефон 33-58-16.

«БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС ДАВЛАТ АНСАМБЛИГА

костюм ўлчанадиган цех мудири, костюм ўлчовчилар, радист-электрик (йўлга юриш билан боғлиқ), саҳна ишчилари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Абдулла Тўқаев кўчаси, 5-уй. Телефонлар. 33-93-89, 33-50-25.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИГА

автомобиль ишлари бўйича ўқитувчи, қурувчи-инженер, секретарлар, комендантлар, хўжалик мудири, 4—5 разрядли дурадгорлар, вахтёрлар, водопроводчи-слесарлар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй (10-трамвайнинг «Алоқа политехникуми», 10-троллейбус, 8, 10, 14-автобусларнинг «Лабзак» бекатлари). Телефон 4-37-45.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «УЗАВТОТЕХОБСЛУЖИВАНИЕ» БОШҚАРМАСИГА

бошқармада ҳамда гражданларнинг шахсий енгил автомашиналарига техник хизмат қилиш станциясида ишлаш учун)

слесарлар, моторчилар, пайванд чилар, бўёқчи-текисловчи, бухгалтерлар, кассирлар, пуллик машина тўхташ жойларида қабул қилувчилар, ишчисодчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Проектная кўчаси, 4-уй (8, 9-автобусларнинг «ГАИ» пости бекати) Телефон 3-5-10-82.

САНЪАТ САРОЙИДА
22 августдан
ЯНГИ, РАНГЛИ КЕНГ ЭКРАНЛИ
„ҚИЗИЛ ҚУМЛАР"
БАДИИЙ ФИЛЬМИ
НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти.
Сценарня авторлари — Комил ЕРМАТОВ, Артур МАКАРОВ.
Постановкачи режиссёрлар — Акмал АКБАРХЎЖАЕВ, Али ҲАМРОЕВ.
Бош оператор — Александр ПАНН.
Постановкачи рассом— Анатолий ШИБАЕВ.
Композитор — Румил ВИЛЬДАНОВ.
Овоз оператори — Анатолий ШЧАЦКИЙ.
Бош ролларни ижро этувчилар — Миршаропов Комил— Болот БЕЙШИНАЛИЕВ, Жунандхон — ОРТИҚ ЖАЛЛИЕВ, Маҳмудов — Ҳамза УМАРОВ.
Сеанслар кеч соат 7 ярим ва 9 яримда бошланади.
Кеч соат 7 да фильм яратувчилари билан учрашув ўтказилади.
23 августдан сеанслар кундуз соат 1, 3, 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9 яримда бошланади.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.
Керакли справкалар учун 4-20-34, 4-21-74 телефонлари орқали мурожаат қилинсин.

ТОШКЕНТ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ҳар иккала жинсдаги кишиларни бичиқчи, несувчи, фрезерчи, доппелчи касбларига ўргатиш учун

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Фабрика қошида кечки ишчи-ёшлар мактаби, болалар боғчаси ва ясли мавжуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, В. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6-троллейбуслар, 30, 51-автобусларнинг «Пайафзал фабрикаси» бекати).

ЛЕНИН РАЙОНИЙ ЧЕТОРГИ 16-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Привокзальная кўчаси, 32-уй.



Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 21 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари. шаҳар хўжалигн бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579

НАШР 2830 Р. 16378